# СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЖИДДИЙ СИНОВ ОЛДИДА

## Кўппартиявийлик: амалиёт ва хорижий тажриба

Мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан давлатнинг бош ислоҳотчилиги асосида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири бўлган кўппартиявийлик асосидаги сайловларда ҳам ўз аксини топмоқда. Албатта, бу ўзгаришлар иқтисодий ислоҳотлардан фарқ қилиб, инсоннинг ўзини, унинг дунёқарашини, сиёсий маданиятини, руҳий ҳолатининг ўзгариши билан уйғунликда кечишига эътибор берсак, ривожланишнинг бу соҳаси нақадар мураккаблигини ҳис этамиз. Инсон ҳали ўз ҳаётида, амалий фаолиятида синаб кўрмаган, ёки ҳали ўзининг турмуш тарзига, миллий анъанасига айланмаган қадриятларни шакллантириши каби жараёнлар ҳозирги етакчи ва илғор хорижий давлатларда ҳам осон кечмаган.

Ғарбий Европа, Шимолий Америка, Осиёдаги илғор мамлакатларда (Япония, Жанубий Корея каби) демократик қадриятларни шакллантириш, адолатли жамият ва давлат қуриш, фуқароларни идора этувчи тоифаларни жамият ризолиги ва халқ оммасига манзур бўладиган тамойиллар — демократик ва эркин сайловлар асосида сайлаб олиш каби ижтимоий сиёсий воқелик одатдаги турмуш тарзига айланган.

Мамлакатимиз кўппартиявийлик тизими ва шу асосда сайловлар ўтказиш тажрибасига таянган ҳолда шаклланиб келаётган бўлса ҳам, ҳали бу соҳадаги демократик механизмларнинг ишлаши ва самара бериши халқаро меъёрлар талабларини ва жамият аъзоларини қаноатлантирадиган даражага етгани йўқ. Бунинг асосий сабабларидан бири сиёсий партияларнинг ҳали сиёсий тизимга дадил кира олмаётганлиги, демократиянинг ҳақиқий кўриниши даражасига чиқмаганлиги, партиялар билан ижтимоий табақалар манфаатлари ва эҳтиёжлари ўртасида уйғунликнинг етишмаслиги, улар жамият ривожланишидаги мураккаб жараёнларни нафақат илғай олмасдан, балки бу жараёнларда бевосита иштирок эта олмаётганлигини халқимиз очиқдан очиқ эътироф этмоқда.

Сиёсий фанлар ва социология фанининг ютуқларидан шу нарса маълумки, инсонни ҳаракатга келтирувчи, унга интилиш, куч-қувват бахш этувчи, шунингдек, кишиларни ўз мақсадлари ушалишлари учун маълум бир инсоний бирликларга уюшишга мажбур этувчи ички туғён дояси, қайноқ ҳаётни ташкил этувчи энергия манбаи, бу-манфаатлар, уларни ифодалаш, қондиришдир. Қачонки, кишилар бирон бир сиёсий ташкилотга уюшганларидагина уларнинг овозини ҳамма эшитади, ҳар қандай даражадаги ҳокимият улар билан мулоқотга ва муносабатга киришга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳам Туркистондаги жадидлар ҳаракатининг етакчиларидан бири Аҳмад Заки Валидий шундай деб ёзган эди: «Маълумдирки, ҳозир дунёда халқ мутлақо яхши уюшгандагина ўз мақсадига ета оладур, ҳатто маданиятсиз халқ ҳам ўзининг ҳолига мувофиқ суратда яхши ташкилот қилса, ўз мақсадига етадур. Аммо ташкилоти бўлмаган миллат ҳеч бир мақсадига ета олмайдур. Ҳар бир шахс ўзининг ишлари учун иккинчи миллат одамлари, фақат нуфуз аҳлари олдина сажда қилиб юрувга мажбур бўлиб ва, ниҳоят, мақсадига ета олмасдан қайтадур. Ҳайҳотки, ташкилоти яхши бўлмаган миллатга раҳмоят мухториятгина эмас, бундай миллат ўлим ва инқирозга маҳкум бўладир».

Кўриниб турибдики, сиёсий партиялар, ёки умуман барча жамоат ташкилотларининг жамият талабларига жавоб бера олмайдиган ҳолатда бўлиши фақат шу ташкилотлар учунгина зарур бўлмасдан, балки бу ҳол бутун бир миллат ва жамият ривожининг паст даражада кечиши учун ҳам сабаб бўлиб қолиши мумкин. Демак, сиёсий партиялар бутун бир жамиятда демократик қадриятларнинг амалда ривожланиши учун ўта масъул бўлган институтлар сирасига кирар экан. Шунинг учун ҳам сиёсий партияларнинг такомиллашуви ва замонавийлашуви учун интилмайдиган, партиясининг мақомини ҳақиқий даражага кўтариш учун ҳаракат қилмаётган етакчилар ва фаолларнинг фаолияти мустақиллик ва давлатчилик тарихида қандай зикр қилинишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ўзининг интеллектуал захирасига қараб ёки бошқа айрим мезонлар туфайли партиялар, уларнинг ташкилотлари етакчилигига муносиб кўрилган ватандошларимизнинг миллат олдидаги бурч ва масъулиятни сезиш қобилияти, демократик дунёқараш даражасининг нечоғли эканлиги сиёсий партияларнинг сайловлар кампанияси даврида қанчалик обрў-эътибор қозонишини белгилайди. Бу ўзига хос қонуниятдир. Ўтиш ва ислоҳотлар даврида ишнинг асосий залвори бошқарувчилар ва раҳбар кадрлар зиммасига тушиши бир неча минг йиллик тарих тажрибасидан маълум.

Сиёсий партияларнинг замонавий сиёсий ташкилотларга айланишининг яна бир шарти, бу — партия таркибини ташкил қилувчи оддий аъзоларнинг жамиятнинг бирон бир табақаси сифатидаги шаклланиш даражаси, уларда пайдо бўлган шахсий, иқтисодий ва сиёсий манфаатларни қондириш ваколатларини ўзлари мансуб бўлган уюшмаларга «топшириш» қобилияти, фақат манфаатдошлар гуруҳлари воситасида умумий мақсадларга эришиш туфайлигина шахсий манфаатлар ҳам қондирилиши мумкин эканлигига ишонч ҳосил қилиш даражасининг қай даражада бўлиши билан боғлиқдир. Албатта, аъзоларнинг манфаатлари ўрганилиб, уларнинг энг асосийлари бир тизимга келтирилмас, сиёсий партиянинг дастурий мақсадлари ана шу тизимни ўзида ифодаламас экан, бундай партия аъзоларида сиёсий фаолиятда иштирок этиш учун интилиш, партия атрофида жипслашув учун унчалик зарурият бўлмаслиги аниқдир.

Социологик жиҳатлардан ёндашганда партияларнинг энг асосий аҳамияти, бу — кишиларнинг бир-бирлари билан бирлашиши, манфаат ва эҳтиёжларининг қондирилиши, шунингдек, инсон ҳуқуқларининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида сиёсий тизимдан ўзига муносиб жой олиши билан белгиланади. Партиялар фаолиятини ҳаракатга келтирувчи кучлар — бу халқ ҳамда турли гуруҳларининг мақсад ва манфаатлари, идеаллари, қадриятлари, орзу-умидлар ва мафкураларидир. Умуман, партиялар манфаатлар гуруҳларининг энг аҳамиятлисидир, яъни у манфаатларнинг ҳокимиятга дахлдор бўлган қисмини расмийлаштиради, ўз аъзоларининг манфаат ва эҳтиёжларини давлат институтларига етказиб беради, шунингдек, халқ оммаси фақат партиялар воситасидагина ўзининг гуруҳий манфаат ва талабларини сиёсий ҳокимият томонидан қондирилишига эриша олади. Партиялар ҳокимият сиёсий йўлини ўз манфаатларига мослаштириши ёки ўз дастурига тўғри келмаган ўзгаришларга эътирозлар билдириб туриши ҳам мумкин.

Сиёсий партияларнинг асосий функцияларидан бири, бу — сайловлар кампанияси даврида парламентга номзодлар кўрсатиш, уларнинг сайланиши учун интилишдир. Бу номзодларнинг парламент аъзолигига сайланишларига эришиш учун партия сиёсий оқим сифатида аҳолининг кўпчилик қисмини ўз томонига оғдириши, бунинг учун сайловчилар ўртасида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориши лозим. Айниқса, бу даврда жамоатчилик фикрига таъсир қила олиш қобилиятига эга бўлиш партия учун муҳим имтиҳондир.

Шу билан бирга, партияларнинг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишига доир муқобил ҳаракат дастури, унинг жамиятдаги маълум бир ижтимоий табақаларни ижтимоий интеграция қилишга қодир бўлган мафкурасини ўзига тарафдорлар ва хайрихоҳларни кўпайтиришга йўналтириш, кишилар дунёқараши ва руҳиятига таъсир эта билиш, фаолликни ошириш замонавий сиёсий ташкилотга қўйилган давр талабидир.

Маълумки, демократик мамлакатларда мухолиф сиёсий партиялар жамият ва давлат бошқарув усулларини демократлаштиришга, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга интилади. Илғор мамлакатлардаги бундай қутблашув кўпроқ парламент мухолифати шаклида бўлади. Одатда ҳукуматда иштирок этмаган партиявий фракциялар парламент мухолифати дейилади. Масалан, Буюк Британиядаги мухолифат тўғрисида П. Бромхед қуйидаги фикрни билдиради: «Мухолифат — навбатдаги умумий сайловларда ғалаба қозонишдан умидвор бўлган партиядир».

Сиёсий мухолифат жамиятда плюралистик фикрлаш ва дунёқарашни шакллантириб, турли сиёсий усуллар, ёндашувлар асосида келажакни яратиш учун интилади, жамият аъзоларининг манфаатлари ва сиёсий иродаларини тобора кўпроқ қамраб боради. Натижада жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий барқарорлигини таъминлаш онгли равишда изга тушади. Шунингдек, мухолифатнинг бўлиши давлат ва ҳукуматни шакллантириш жараёнларида фуқароларнинг танлаш ҳуқуқига эга бўлишини таъминлайди, уларнинг сиёсий иродаси ва истак-хоҳиши кенгроқ амалга ошиб боради. Шу билан бирга ҳокимият тепасига келган сиёсий партия навбатдаги сайловларда ҳам ҳокимиятни ушлаб қолиш мақсадларида демократик сиёсат юритади, доимо халқ (яъни сайловчилар) манфаатларини ҳисобга олиб боради, иложи борича халқчил фаолият кўрсатишга интилади.

Президент Ислом Каримов сиёсий мухолифатнинг ўрни, унинг заруриятти тўғрисида қуйидаги фикрни билдирган эди: «Мухолифат» деган тушунчанинг асл маъносини аниқ англай олишимиз лозим. Биз сиёсий мухолифатни муқобил мухолифат сифатида тушунамиз. Турмушимизнинг ҳамма соҳасида муқобиллик бўлиши лозим. Шу сабабли, мухолифат ҳақида сўз борар экан, энг аввало, ислоҳотлар ўтказиш, жамиятнинг тараққиёт ва янгиланиш йўлидан олға бориши бўйича муқобил дастур турларини таклиф этишга қодир, амалий мухолифатни назарда тутамиз».

Инсоният тарихидан маълумки, ҳар бир жамиятда турли ижтимоий ва сиёсий гуруҳларнинг манфаатларини ифодаловчи, ўз истак ва муаммоларини сиёсий ҳокимият воситасида ҳал қилувчи сиёсий кучлар мавжуд бўлади. Чунки, жамиятда турли сиёсий гуруҳларнинг ҳокимият учун кураши табиий бир ҳол бўлиб, бу инсоннинг моҳияти ва табиатидан, Аристотель таъбири билан айтганда инсоннинг «сиёсий мавжудот» эканлигидан келиб чиқади. Ўз руҳияти, жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари ҳар бир инсонда у ёки бу даражада сиёсий онг бўлишини тақозо этади. Ҳар бир инсон ўзининг шаклланиш ва ривожланиш йўлидан келиб чиқиб, ижтимоий ҳаётда ўзининг хоҳиши қандай бўлишидан қатъи назар, ўзидаги сиёсий мақсадлар ва туйғуларни сиёсий кенгликларда намоён қилишга интилади.

Бошқача айтганда, неча минг йилликлар мобайнида инсоннинг жамиятга уюшишга интилиш манфаатлари унинг менталитетида сиёсийлашиш хулқ-атвори ва инстинктини доимо барқ уриб турадиган фазилат сифатида шакллантирди. Шунинг учун ҳам сиёсий фаолиятдан четлашган фуқарода ўзининг бир ноёб маънавий бойлигини йўқотиш каби ҳолатларнинг намоён бўлиши табиий бир ҳолдир. Аввало, инсон ўзининг эркин яшаши, бунинг учун муайян ҳуқуқларга эга бўлиши учун ҳам ўзидаги сиёсий қарашлар ва ҳаракатларни табиий равишда ҳаётга тадбиқ этишга интилади.

Илғор демократик жамиятларда барча сиёсий гуруҳлар (сиёсий партиялар, ҳаракатлар) фаолияти, ҳокимиятни эгаллаш учун ўтказилаётган сайловларда эркин қатнашиш, фуқароларнинг сиёсий интилишлари учун етарлича сиёсий кенгликлар мавжудлиги туфайли ҳокимиятлар ўзгариши тинч йўл билан амалга ошади. Шунингдек, бундай жамиятлар ижтимоий ва сиёсий жиҳатлардан барқарор бўлиб, фуқароларда сиёсий фаоллик ва фаровонлик учун интилиш кучли кечади.

Ғарбий Европа мамлакатларидаги жамиятларда сиёсий кучларнинг бир-бирларига мухолифлиги партиялар билан ҳукумат ўртасида эмас, балки кўпроқ ҳокимият тепасига келган партия билан келгуси сайловларда ҳокимиятни қўлга киритиш учун интилаётган сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатдошлик шаклида намоён бўлади. Ҳукумат янги сайловларгача берилган муддатларда эркин ва барқарор фаолият кўрсатиш шарт-шароитларига эга. Мухолифлик, асосан, сайловларда шу ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқини олган партия билан сайловда ютқазган партиялар ўртасида кейинги сайловларгача сақланиб қолади. Демократик жамиятларда сайловлар фақат қонунлар «ҳокимияти» воситасида амалга оширилиши, унга ҳеч қандай сиёсий институтларнинг аралашмаслиги туфайли ҳам сайловларда ютқазган мухолифат давлат ва ҳукуматга таънаю даъволар қилмайди. Чунки, бу жамиятларда сайловлар натижаларини электорат (сайловчилар) ҳал қилади. Бу каби ўзаро сиёсий муносабатлар фуқаролар дунёқараши ва турмуш тарзига сингиб, оддий бир ҳаёт тарзи, қадрият ва анъанага айланган.

Демократик тамойилларни ривожланиш жараёнлари тажрибасидан маълумки, партияларнинг ҳаракат дастурлари бир томондан, жамоатчилик фикрини шакллантиришга таъсир этишга мўлжалланган бўлса, иккинчи томондан, партиянинг ўзини ривожланишга қаратилиши лозим. Бундан ташқари, дастурнинг мафкуравий функцияси ҳам катта бўлиб, унда партияга янги аъзолар жалб этиш, сайловчиларнинг партия учун мақбул бўлган қарорларга келишига ижобий таъсир этади. Бундан ташқари ҳаракат дастури бир партиянинг бошқа партиялардан ажралиб туришини ҳам кўрсатади.

Немис сиёсатшуноси Хайно Каакнинг фикрича, сиёсий партия дастури сайловчилар иродаси ва хулқ-атвор йўналишлари ва уларни сайловлар кампаниялари даврига мослашувлари учун кенг имкониятлар яратади, жамоатчиликка катта таъсир этиб, партиянинг ички тузилишини шакллантиради. Партия дастурларининг ташқи ва ички функциялари бўлиб, ички функциялари ташвиқот-тарғибот, манфаатларни бир тизимга келтириш, реклама, ижтимоий таянчларга эга бўлиш кабилар киради. Ташқи функциялар эса сайловчиларни жипслаштириш, муштарак бўлишини таъминлаш, сиёсий рағбатлантириш, сиёсий кенгликларда устуворлик қилишга интилиш, мақсадларни легитимлаштириш (қонунийлаштириш) дан иборат бўлади.

Партия дастури аъзоларни ўзи билан муштарак бўлишини таъминлайди, сиёсий фикрлаш ва фаолият кўрсатиш учун кўмаклашади. Аъзоларнинг сиёсий партия дастурига мувофиқ фаолият кўрсатиши учун легитим (одатдаги қоида ва қонунийлик асосида) ҳаракат қилаётганлигини билдиради. Ҳар бир партия жамиятдаги ижтимоий табақалар ва фуқароларнинг қарашлари, манфаатлари, шунингдек, сиёсий иродаларини социологик жиҳатдан ўрганиши, унинг натижалари асосида ўзининг социал базаларини аниқлаб олиши, шу асосда ўзининг ҳаракат дастурларини шакллантириши — сайловлардаги муваффақиятининг гаровидир.

Ҳаракат дастури партия ва унинг атрофидаги ижтимоий кучларни интеграция қилиши билан бирга, у барча партия аъзоларининг ижтимоий-сиёсий дунёқарашларини ҳам ифодалаши лозим. Мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг дастурларида эса партияларнинг мақсадлари бир-биридан деярли кам фарқланади. Уларда фақатгина турлича ифодалашлар ўрин олган.

Ҳар бир сиёсий партия мустақил сиёсий институт сифатида ўз ижтимоий базаси бўлган ижтимоий табақалар манфаатлари, дунёқараши асосида ҳаракат дастурларига эга бўлиши сиёсий плюрализмни шакллантириб, турлича қарашлар рақобати ва мусобақаси асосида фуқаролик жамияти шаклланиши учун замин тайёрлайди. Сайловлар демократик тамойиллар асосида амалга оширилиши учун сиёсий партиялар, уларнинг ғоя ва мафкуралари ўртасида рақобатдошлик, шунингдек, сайловчиларни ўз томонларига оғдиришлари учун кураш жараёнлари кечиши талаб қилинади. Лекин, сиёсий партияларда очиқ фарқланиб турадиган сиёсий ранг-барангликни сезиш қийин. Сиёсий партиялар барча илғор мамлакатларда бўлганидек, (социал-демократия, либерализм, халқ демократияси, консерватизм каби) ўзига хос сиёсий мафкураларини эълон қилиши, аҳолининг турли мафкуравий таъсирланувчан гуруҳларини ўзларига тегишли қарашлари асосида интеграция қилиш асосида сиёсий кучга айланиши ҳозирги давр демократик қадриятлар талабидир.

Мамлакатдаги сиёсий партияларнинг сиёсий мафкуралари тўла шаклланмаганлиги, уларнинг сиёсий назария ва мафкурани шакллантириш борасида деярли фаолият кўрсата олмаганликлари оқибатида улар ўртасидаги ғоялар кураши ва рақобатчилиги рўй бермади. Бу ҳолат партия аъзолари ва уларнинг хайрихоҳлари сиёсий маданиятини шаклланиш жараёнларининг авж олишини қийинлаштирмоқда.

Фуқаролик жамиятидаги сиёсий партиялар ўз мамлакатларидаги ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлар тизимларини раҳбар кадрлар билан таъминловчи манбалардан биридир. Бу мамлакатлардаги сайловлар натижасида ҳокимият тепасига келган сиёсий партиялар давлат бошқарув органларини раҳбар кадрлар билан таъминлайди. Кадрларнинг сиёсий партиялар томонидан тавсия қилиниши ёки сайловларда ғалаба қозонган партия етакчилари ва фаолларининг ҳукумат ва унинг органларидаги раҳбарлик лавозимларига келиши жаҳон тажрибасидаги энг адолатли жараёнлардир. Маълумки, сиёсий партиянинг турли хил фаолиятларида ташкилотчилик ва демократик қадриятларни ҳаётга жорий қилиш билан муттасил шуғулланиб келган партия етакчиларини халқ оммаси ҳар томонлама билиши, уларнинг сайловчилар ўртасида кенг танилганлиги учун ҳам сайловлардаги ижобий натижаларга биноан давлат органлари ишига жалб қилиниши табиийлик характерини касб этади.

Жаҳондаги илғор мамлакатларда шаклланган демократик қадриятларни ўрганиш, халқимиз миллий меросидаги жамиятни адолатли идора этишга доир тажрибаларни ҳозирги давр сиёсий жараёнларига қўллаш воситасида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятига хос демократик сайловларни ўтказиш бугунги кундаги нақафат ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчи, балки, бу қадриятларни юксалтириш халқимизнинг барча даражадаги раҳбарларнинг миллий бурчи ҳамдир. Чунки, демократик қадриятлар ҳар бир жамиятда адолатни, тинчликни, фаровонликни ва барқарорликни ўрнатишга қодир бўлган куч сифатида инсониятнинг маънавий ва миллий қадриятларига айланганлигини ҳозирги даврдаги етакчи ва илғор мамлакатларнинг XX асрдаги тарихи исботлаб турибди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз жамияти синовлар даври — демократик сайловлар кампаниясига кирган экан, ҳар бир фуқаро, ҳар бир партия, жамоат ташкилотлари фаоллари бундай имкониятлардан тўлиқ фойдалана олишлари келажаги буюк Ватанимизни XXI асрда қандай бўлишини белгилашини унутмасликлари лозим. Сиёсий партияларнинг халқимиз, бизни кузатиб турган халқаро жамоатчилик олдидаги имтиҳонлари ҳар беш йилда бир марта — сайловлар даврида бўлишини чуқур англасак, бу йилги сайловлар йили — сиёсий партияларнинг кўтарилиш босқичи, уларнинг миллий масъулият ва бурчни чуқур англаш палласи бўлади, деб умидланишга ҳақлимиз.

**Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ.**

# ҚОЛОҚЛИККА ҚАЧОН ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

## Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида пахта йиғим-терими пайсалга солинмоқда

Қорақалпоғистонда Чимбой туманининг алоҳида ўрни бор. Қишлоқ хўжалиги ривожида чимбойликлар бошқа туманларга ибрат бўлиб келишган. Халқ орасидан етишиб чиққан, донгдор деҳқон Шомурот ота Мусаев номи билан юритилувчи қуйи Амударё воҳасидаги ягона Деҳқончилик илмий-тадқиқот институти ҳам шу ерда жойлашган.

Хўш, кейинги йилларда чимбойлик деҳқонлар, шу жумладан пахтакорлар амалга ошираётган ишлар ўша обрў-эътибор, ўша мавқега мос бўлаётирми?! Минг афсуски, йўқ!



Дангалига ўтиб қўя қолайлик: Чимбойда туман иқтисодиётида туб бурилиш ясаш салоҳиятига эга бўлган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бирорта қўшма корхона йўқ. Демак туман иқтисодиётини соғломлаштиришнинг бош таянчи пахтачилик бўлмоғи лозим. Шундай бўлаётирми? Йўқ! Кейинги йилларда туманда ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил кескин камайиб кетди. Мисол учун 1996 йили туманда гектарига 10,2 центнердан ҳосил етиштирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич янада камайиб, атиги 9,1 центнерга тушиб қолди. Ўша мавсумда пахта терими то кеч кузакка қадар давом эттирилди. Ҳатто 21 ноябр куни ҳам пахта терилиб, давлатга йиллик режанинг 0,02 фоизи миқдорида хомашё сотилди. Мазкур соҳада режа 46,53 фоизга бажарилган эди, холос. Ўзингиз ўйланг: бешинчи навли, ҳар бир килограмми олтин баҳоси ҳисобига териб олинадиган пахта керакмиди, йўқмиди? Буниси деҳқонларнинг ўзига аён. Бироқ бу йилги ҳосилни йиғиштириш учун тайёргарлик ишлари ўлда-жўлда қолиб кетгани, қолоқлик чимбойликларга одатга айланиб, айни кунларда ҳам ўша аянчли ҳолат такрорланаётганлиги равшан.

Мисолларга мурожаат қилайлик: шу йилнинг 12 октябр куни туман далаларидан 203 тонна пахта териб олинди. Бу далаларда пахта терган жами 7910 нафар теримчига ўртача 30 килограммдан ҳам тўғри келмайди. Иккинчидан, ўша теримчиларнинг учдан бир қисмини Нукусдан келган ҳашарчилар ташкил этади. 92 минг нафар аҳолиси бор тумандан далага 2579 нафар асосий ишловчи чиқаяпти, холос. Буни бепарволик, боқибеғамликдан бошқа нима билан изоҳлаш мумкин?!

Чимбой далаларида пахта бор. Лекин уни уюшқоқлик билан териб олишнинг уддасидан чиқилмаяпти. Акс ҳолда Чимбой шаҳридан катта ҳаражатлар эвазига, махсус автобусларда далага олиб чиқилган 800 нафар ҳашарчининг атиги 10 килограммдан пахта терганини қандай тушунтириш мумкин?! Бу пахта лоақал уларнинг дала бошига етказиб қўйган транспорт харажатини қоплармикин?

Тумандаги "Чимбой" жамоа хўжалиги далаларидамиз. Аксарият пайкалларда дуруст пахта ҳосили бор бўлишига қарамасдан теримчи кам. Жамоа хўжалиги аъзоларидан 70 киши пахта тераяпти. Қолгани ҳашарчилар. Хўжалик раиси Жабборберган Содиқовдан сўраймиз:

— Хўжалигингизда нечта хонадон бор?

— 450 та.

— Наҳотки, ҳар оиладан бир кишини далага чиқара олмаган бўлсангиз?

— ...

— Кун қисқараяпти. Ҳаво салқинлашаяпти. Шу "шашт" билан борсангиз, неча кунда йиллик режани бажарасиз?!

— 72 кунда.

Усмон Юсупов номли ширкат хўжалигида ҳам айнан шундай аҳвол. Далада ишлаётганлар кунига ўртача 20 килогармм атрофида пахта тераяпти. Йиллик режа 29,91 фоиздан ортган, холос. Жамоа бўйнигача қарзга ботган. Фақат деҳқонларга берилиши керак бўлган моашнинг ўзидан 15 миллион сўм қарз мавжуд. Кредиторлик қарзлари табора ўсиб бормоқда. Туманнинг кўплаб хўжаликларида аҳвол шундай.

Чимбойликлар теримни яхши ният билан бошлагандилар. 3 минг гектар ер машина теримига ажратилиб, 17 та пахта териш машинаси тахт қилинганди. 5 минг гектардан ортиқроқ ерни дефолиация қилишиб, бу мақсадларга миллион-миллион сўм маблағ сарфлаган эдилар. Аммо, бу яхши ният ярим йўлда қолиб кетмоқда. Вақт билан ҳисоблашмаган чимбойликлар нақдини — эгатлардаги мўмай даромадни, катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни бой бермоқдалар. Туман ҳокимлиги, турли маълумотларни йиғишдан нарига ўтолмаётган қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раҳбарлари бу ачинарли аҳволга қандай баҳо берисшар экан? Ёки рўйхатдаги охиридан биринчи ўринни қатъий ушлаб туришга аҳд қилишганми?! Чимбойдаги сурункали қолоқликка қачон барҳам берилади?!

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

# ТОЖИКИСТОНДАГИ ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИГА КИМ ВА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРМОҚДА?

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Умумий битимнинг ижросини кузатишнинг асосий вазифалари воситачи гуруҳи (ВГ) зиммасига юклатилди. Унга Афғонистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Россия, Туркманистон, Ўзбекистон, шунингдек Ислом Конференцияси Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакиллари киради.

Айни пайтда эришилган аҳдлашувларни амалга оширишда маълум даражада силжишга эришилди. Амалга оширилган муайян қадамлар сирасига тожик парламенти депутатларининг Миллий Ярашув Комиссияси тақдим этган амалдаги Конституцияга ўзгартишларни тасдиқлаганини келтириш мумкин.

Ушбу ўзгартишлар мамлакатда икки палатали парламентни ташкил этишни кўзда тутади: доимий ишловчи ва профессионал-қуйи палата; чақириладиган-юқори палата. Қуйи палата депутатлари сайланадилар, юқори палата депутатлари эса танлаб тайинланадилар. Номзодларни кўрсатиш партия рўйхатлари бўйича фуқароларнинг ташаббус гуруҳлари томонидан амалга оширилади; давлат раҳбари ваколатлари муддати 5 йилдан 7 йилгача узайтирилди. Асосий қонундаги дунёвий давлатга тааллуқли моддалари ўзгартирилмади.

Бир сўз билан айтганда, Тожикистондаги миллий ярашув жараёни ўзига йўл очаётганга ўхшайди.

БТМнинг аксарият вакиллари Тожикистонда узоқ муддатли тинчлик ўрнатишда фаол иштирок этмоқдалар.

Лекин мамлакатни қайта тиклаш ишида собиқ мухолифатчиларнинг барчаси ҳам ҳокимият билан амалий мулоқотга тайёрлиги ва хоҳиш-иродасини билдирмаётганини таъкидлашга тўғри келади. Аҳоли ўртасида ўз обрў-эътиборини йўқотганини англаган ва бўлажак сайловларда ўзининг муқаррар мағлубиятини билгани ҳолда, улар Тожикистондаги барқарор вазиятни бузишга уринишмоқда, қолаверса, Қирғизистон жанубидаги воқеаларда бевосита иштирок этмоқдалар.

Бугун ҳукумат ва БТМ ўртасидаги курашнинг кескинлиги янада ортмоқда, боз устига, БТМнинг тутаётган мавқеи Тожикистонда барқарорликни таъминлаш ишига ҳеч ҳам хизмат қилмаяпти.

Томонларнинг Умумий битимга эришган аҳдлашуви Ислом уйғониш партияси раҳбари А.Нурийнинг бузғунчилик мавқеи туфайли ҳар сонияда чиппакка чиқиши мумкин. Бунинг далили сифатида шу йилнинг 16 октябрида Тожикистон Республикаси президенти И.Раҳмоновнинг ташаббуси билан ўтказилган воситачи гуруҳ аъзолари билан учрашув ва бу учрашувдаги унинг нуткини келтириш мумкин.

Экспертлар фикрича, учрашувга сўзсиз А.Нурийнинг воқеа арафасида БТМ номидан қилган қатъий талабли баёноти сабаб бўлган. У бўлажак президент сайловларини ўтказиш муддатларига ўзгариш киритишни талаб қилди ва бу талаблар жорий йилнинг 18 октябригача бажарилмаса, мухолифат аъзолари Миллий ярашув комиссияси таркибидан чиқиб кетади, деб дағдаға қилди.

И.Раҳмонов мазкур баёнотни "БТМ раёсати аъзолари бу ҳақда хабардор бўлмаганликлари ва бу баёнот матни билан келишмаганликлари сабабли у ҳуқуқий кучга эга эмас", деб баҳолади. У буни тасдиқловчи ва гўёки БТМ номидан берилган баёнотга қатъиян қарши бўлган, айни пайтгача унинг таркибига кирган турли партия вакиллари - БТМ раҳбарияти аъзоларининг номларини бирма-бир санаб берди.

А.Нурийнинг бундай ҳаракати, деди президент, мухолифатдаги кўпчилик онгли кишиларнинг БТМ ташкилотига нисбатан фикрини қайта кўриб чиқишга ва унинг таркибидан чиқиш тўғрисида эълон қилишга олиб келди. Шу сабабли БТМ энди мавжуд эмас ва жаноб Нурий бундан буён БТМнинг эмас, балки фақат раис сифатида Тожикистон уйғониш партиясининг вакили бўла олади.

И.Раҳмоновнинг А.Нурийга нисбатан кескин танқидида илк бор Тожикистон Республикаси ҳудуди, хусусан унинг шарқий районлари Жума Наманганий бошчилигидаги халқаро террорчилар томонидан фойдаланилаётгани ва тожик мухолифчи-исломчилари етакчисининг улар билан тўхтовсиз алоқалари очиқ эътироф этилди.

Ҳозирги вақтда Ж.Наманганий Нурийнинг ҳомийлигида ўзининг жангарилари, Боткенда гаровга олинганлар ва оила аъзолари билан Қирғизистон жанубидан ўтиб, Тожикистоннинг Тавилдара районида жойлашиб турибди, деди президент.

Абдулло Нурий Тожикистон Республикаси ҳукумати ортида туриб ўзларини "Қирғизистон вакиллари", деб ҳисоблаётганлар билан гаровдагиларни озод қилиш тўғрисида музокаралар олиб бормоқда.

Нурийнинг барча тасдиқларига қарамасдан БТМ тузилмаларини қуролсизлантириш бўйича Ҳарбий протокол низомлари тўлиғича бажарилмаган. Кўп миқдордаги қурол-яроғ ҳамон мухолифат жангариларининг қўлида турибди. И.Раҳмонов ўзининг ушбу тасдиғини мустаҳкамлаб, мулло Абдулло ва Шайхнинг босқинчи тўдалари қуролсизланиш тўғрисидаги талабга бўйсунмасдан Қирғизистон жанубидаги воқеаларда иштирок этганликларини тан олди. Президент яна Нурий назорати остидагилар наркотик моддаларни тарқатиш пункти сифатида Тожикистон Республикасининг шарқий ҳудудларидан фойдаланганликлари, аниқроғи, улар ҳозир ҳам мазкур ҳудудлардан фойдаланаётганликларини эътироф этди.

Президент Тожикистоннинг мазкур ҳудудларига жойлашиб олган халқаро террористлар билан ҳеч қандай музокаралар олиб бориш ниятим йўқ, деб баёнот берди. У Тожикистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриш мақсадида паспорт бўйича рўйхатга олиш тўғрисида кўрсатма берганлигини маълум қилди. Шу маънода И.Раҳмонов Ўзбекистон ва Қирғизистон билан биргаликда халқаро террористларни тугатиш бўйича махсус операциялар ўтказишга тайёр эканлигини билдирди.

А.Нурий ва унинг камсонли тарафдорларининг Миллий Ярашув Комиссияси таркибидан чиқиши бизни қўрқита олмайди, деди И.Раҳмонов. Миллий Ярашув Комиссияси ўз фаолиятини деярли якунламоқда. Унинг доирасида фақат Парламент сайловлари тўғрисидаги қонуннинг келишилган матнини ишлаб чиқиш қолди, холос.

Биз Нурийнинг намойишкорона ҳаракати туфайли жамиятда ҳеч қандай бузилиш, ҳеч қандай силкинишлар бўлишига йўл қўймаймиз, деб баёнот берди Тожикистон президенти. Сайловлар Конституцияда белгиланган муддатда ўтади. Президент атрофидагилар 15-16 октябр кунлари тинчлик жараёнига рахна солиб турган янги хавф олдида ҳукуматнинг тинчлик ўрнатиш нуфузини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қатор амалий ишларни уюштиришга муваффақ бўлди.

Хусусан, 15 октябр куни БТМ томонидан ҳукумат аъзоси, Демократик партия раиси (Олмаота платформаси) М.Искандаров маҳаллий телевидение орқали ўз партиясининг БТМ таркибидан чиқиши тўғрисида баён этди. Собиқ мухолифатчи, ҳозирда Ички ишлар вазири ўринбосари Х.Сангинов ҳам бундан буён БТМ фаолияти ва унинг раҳбарияти ишида иштирок этишдан қатъиян воз кечишини эълон қилди.

Эрталаб, 16 октябр куни Х.А.Тўражонзода матбуот анжумани ўтказиб, А.Нурийнинг мазкур баёнотини ортиқча масъулиятсиз ва БТМ раҳбариятининг умумий фикрини изҳор этмайди, деб таърифлади. Тожикистон Ислом уйғониш партияси раҳбарияти ва унинг раиси А.Нурийнинг тутган йўлига рози бўлмаганлиги сабабли А.Тўражонзода ўзининг бу партия раҳбарияти таркибидан чиқиши тўғрисидаги қарорини маълум қилди.

Шундан сўнг табиий савол юзага келади: ҳақиқатдан ҳам Тожикистонда тинчлик ва миллатлараро келишувни ўрнатишга ким интилмоқда? Конституция доирасида фаолият кўрсатаётган ва сайловларнинг белгиланган муддатда ўтиши учун барча имкониятларни ишлатаётганларми ёки жафокаш Тожикистонни қарама-қаршилик ва фуқаролар урушининг янги ўрамига қайтадан гирифтор қилиши мумкин бўлган жаноб А.Нурийми?

Ўйлаймизки, тожик жамоатчилигининг соғлом кучлари ўз халқлари равнақи ва мамлакатлари келажаги учун оқилона йўл тутадилар. Ўзбекистоннинг қўшни Тожикистондаги воқеа-ҳодисаларга муносабати эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг шу йил 19 октябр куни Тожикистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига берган нотасида ўз аксини топган. Нотада хусусан, қуйидагилар айтилади:

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Тожикистон Республикаси Президенти И.Раҳмоновнинг шу йил 16 октябрдаги воситачи гуруҳига аъзо давлатлар вакиллари билан учрашуви натижалари билан яқиндан танишиб чиқди ва Тожикистон раҳбари маърузасида ифодаланган вазиятни тўла қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, унда Ўзбекистон томони Тожикистондаги, айниқса унинг жанубий ҳудудларидаги вазиятни тартибга солиш ва барқарорлаштириш бўйича Президент И.Раҳмонов томонидан айтилган амалий таклифларга қўшилиши таъкидланган.

Нотада Ўзбекистон ҳукумати Тожикистоннинг Қирғизистон ва Ўзбекистон билан чегараларида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида Тожикистон ҳукумати билан яқиндан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишга тайёрлиги ифода этилган.

Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамаси ҳужжатида тинчлик ва барқарорликнинг кафолатланиши, инсонларнинг осойишта ҳаётининг таъминланиши мамлакатдаги муҳим сиёсий воқеалар — президентлик ва парламент сайловлари арафасида алоҳида аҳамият касб этиши қайд этилади.

Ўзбекистон томони Тожикистон ҳукуматининг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида Қирғизистоннинг жанубига бостириб кирган ва сўнгги пайтларда аксарият кўпчилиги ҳеч қандай тўсиқларсиз Тожикистоннинг шарқий ҳудудларига қайтиб келган жангари тўдаларни бартараф этиш ва тожик-қирғиз чегараларини мустаҳкамлаш бўйича илгари зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришига умид қилади.

**"Жаҳон" АА.**

# «ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР»

Тил — миллат кўзгуси, ор-номусимиз, энг ноёб қадриятларимиздан бири. Бугун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг қабул қилинганига 10 йил тўлади. Шу муносабат билан Тошкент давлат юридик институтининг «Маънавият ва маърифат» маркази Талабалар шаҳарчасининг «Ёшлик» гузарида «Тилга эътибор — элга эътибор» мавзуида кеча ўтказди. Кечада институт «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А. Раҳмонов, проректор ёрдамчиси О. Турғунов ва бошқалар сўзга чиқиб, «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлганини таъкидладилар, бу борада олий даргоҳда амалга оширилаётган тадбирлар хусусида гапириб бердилар.

Институтнинг «Адолат» бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари, талабалар тилимиз ҳақидаги куй-қўшиқларни куйлаб, шеърлар айтиб кечага файз киритдилар.

**Мавжуда ТОЛИБОВА.**

## Сизга қандай хизмат кўрсатилмоқда?

# ПУЛ ОЛГАН УНИ ҚАЙТАРИШНИ ҲАМ БИЛИШИ КЕРАК

Халқ банкининг Шўрчи тумани бўлими бошқарувчиси Исмат Шукуров билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Гурунг асносида у: «Идорамизнинг вазифаси аҳоли қўлидаги бўш маблағларни иқтисодиёт манфаатларига жалб қилиш», — деди.

Ҳақиқатан ҳам, шу йилнинг 1 июл кунигача бўлган кўрсаткичларга қараб айтадиган бўлсак, мазкур банкдаги омонатчиларнинг пул қолдиғи ўн ярим миллион сўмга яқин. Бу тумандаги аҳоли жон бошига 183 сўмдан тўғри келар экан. Кўриб турганингиздай, одамлар бўш маблағларини банкка қўйишга ошиқмаяпти. Чунки омонатчи оладиган фойда — фоизи кам. Бундан ташқари, омонатчи қўйган пулини ўзи истаган пайтда ололмайди: банкнинг ликвидлиги суст.

1999 йил давомида 8 нафар фуқаро «ҳақиқий банк бўлса, кредит берар-да» деган илинж билан уй-жой қурилиши учун қарз сўраб ариза ташловди. Ҳаракатлари зое кетди. Чунки қарз бериш бўлимининг бошлиғи Хушбоқ Абраевнинг изоҳ беришича, банкнинг кредит маблағи бўлмагани сабабли, аризалар ижобий ҳал этилмаган. Кредит бериш лаёқати сустлигидан шу банкда ҳисобрақамини очган ташкилотлар ва юридик шахсларнинг хаёллари бошқа банкларга оғиб турибди.

Халқ банкининг Бойсун тумани бўлимида ҳам мижозлар билан алоқалар омонатга ўхшайди. Бу мулоҳазамизга бир тафсилотни илова қиламиз.

— Бу банкларингизнинг одамларига пул санаб ўтириш бўлса, бас. Бировнинг ишини битказишни камроқ ўйлайди, сарсон қилади, — деди туман ҳокими ўринбосари Эсон Тўраевнинг ҳузурига кириб келган йигит унга арз қилиб. — Ана, Халқ банки бўлимидаги 700 минг сўм пулимизни бир ойдан бери ололмаймиз.

Ўша 700 минг сўм можаросидан Эсон Тўраев ҳам бохабар экан. «Эҳ, Шукрулла Музаффаров (Халқ банки бўлими бошлиғи)», деб телефон чамбарагини айлантирди. Жавоб бўлмади. Аразгўй йигит тағин асабийлашди. Стулга чўкди. Ўзини таништирди: Нормурод Тошқулов — «Сардор» фирмасининг Бойсундаги машиналарга ёнилғи қуйиш тармоғи ходими.

— Ўша пулни, ўзимнинг пулимни вақтида берганларида, ҳалигача икки марта «оборотга» қўйиб олардим. Шоҳобчада бензин, эмиссияга пул бўларди, — дейди Нормурод асабийлашиб.

Хиёл вақт ўтмай, Тўраевнинг ҳузурига яна бир одам кириб келди. Унинг ҳам исми Нормурод экан (фамилияси Алланазаров), арз-доди ҳам банкдан.

— Фермерман. Робот қишлоғиданман, — дейди у. — Шартнома-контракциям бўлмаса ҳам, давлатга 30 тонна буғдой сотдим. Аммо ҳанузгача ғалламнинг пулини ололмайман. «Ғаллабанк» муомалани лағмондай чўзаяпти.

Банк бўлса... танаси бошқа-да.

Тўраев бу Нормуроднинг ҳам ташвишларидан хабардор экан. Яна телефон чамбарагини айлантирди. Телефондан яна жавоб садоси чиқмади.

— Бугун шанба. Деҳқон ишлайди. Фермер ишлайди. Ҳокимлик ҳам ишлайди. Банклар эса дам олади, — дейди Нормурод жиндак истеҳзо билан.

Иккала Нормурод ҳам ўзларининг банкка бўлган эътирозларига диққат қилмаслигимизни, мабодо газетада бирон гап чиқса, ишлари баттар чигаллашиши мумкинлигини айтиб қолишди. Биз эса банкдагилар ўзларининг камчиликларини эътироф этиб (мардлик қилиб), ўз мижозларига хизмат кўрсатишни яхшилайдилар, деган умид билан, улар билан бўлган оғзаки битимни бузиб бўлса-да, ушбу мақолани қоғозга туширдик.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОЛАМГА БИР НИГОҲ

### ПОКИСТОНГА ҚАРШИ ЖАЗО ЧОРАСИ

Лондонда бўлиб ўтган миллий Ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳаракатдаги вазирлик гуруҳи учрашувида Покистонни бу ташкилот аъзолигидан чиқаришга қарор қилинди. Асосан Буюк Британиянинг собиқ колонияси ва ҳудудий жиҳатдан унга боғлиқ 54 мамлакат аъзо бўлган Ҳамдўстлик бош котиби Эмеку Аниаоку бу ҳақда матбуот конференциясида маълум қилди. Покистонда ўтган ҳафтанинг сешанба куни юз берган ҳарбий тўнтариш шундай жазо қўлланилишига сабаб бўлди.

— Ҳамдўстлик демократияга мойил бўлган мамлакатларнинг анжумани бўлиб қолди, — дейди Амиаоку. — Покистонда юз берган воқеа ана шу тамойилларга мутлақо зиддир.

Ҳамдўстлик мамлакатлари вазирлари Исломободни демократик ҳукуматни тиклаш муддатини эълон қилишга даъват этмоқда. Шу мақсадда мазкур мавзуда музокаралар олиб бориш учун Покистонга Ҳамдўстлик вакиллари юборилади.

Миллий телевидение орқали дастурий нутқ билан чиққан Покистон ҳарбий ҳокимияти бошлиғи генерал Парвез Мушарраф 6 кишидан иборат хавфсизлик кенгаши ташкил этилишини эълон қилди ва ҳозирги ҳарбий бошқарув «доимий бўлиши мумкин эмас» деб ишонтирди.

Ҳамдўстлик вазирлари бу изоҳни қаноатланарли, деб топмадилар. Қолаверса, Покистоннинг мазкур ташкилот аъзолигидан чиқарилиши кўп жиҳатдан рамзий маънога эга. Негаки, бу қадам ортидан Халқаро валюта фонди, Европа Иттифоқи ва «Катта саккизлик»нинг бошқа айрим давлатлари томонидан Покистонга кўрсатилаётган ёрдам ҳам тўхтатилса, ажаб эмас, дея хабар беради Россиянинг «Янгилик» ахборот агентлиги. Бу эса Покистон иқтисодиётига оғир зарба бўлиб тушиши мумкин.



Бугунги Берлин.

### МУХТОР ВАКИЛ ТАЙИНЛАНДИ

**Россия президенти Борис Ельцин бош вазир ўринбосари — Россия ҳукуматининг Чеченистондаги мухтор вакили лавозимини жорий этиш тўғрисида фармонга имзо чекди. Бу лавозимга Николай Кошман тайинланди.**

**Россия ҳукумати раҳбарининг Чеченистондаги ўринбосари Чеченистон республикаси иқтисодиётини тиклаш, аҳолининг маиший таъминотини ташкил этиш, Чеченистон Республикаси давлат ҳукуматини тиклашда, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришда чечен халқига ёрдам кўрсатиш бўйича ижроия ҳукумат федерал идоралари фаолиятини мувофиқлаштиради.**

### ПАРЛАМЕНТДА НИМА ГАП?

**Индонезия парламенти биноси олдида норозилик намойишини ташкил этган талабалар ва полиция ўртасида тўқнашув юз берди. Айнан шу вақтда президент Хабибий ҳукумат томонидан қарийб бир ярим йил мобайнида қилинган ишлар тўғрисида парламент олдида ҳисобот бераётганди. У иқтисодий вазият яхшиланганини, унинг ўзи эса мамлакатни демократия йўлидан олиб бораётганини айтди. Яқин кунларда Ассамблеянинг етти юз нафар аъзоси Хабибий маърузаси якунларини ёқлаб овоз бериши лозим. Агар парламентдагилар маърузага қарши овоз беришса, бу Хабибийнинг қайта сайланиш имкониятларига путур етказади.**

### ПРЕЗИДЕНТ ДАЪВАТИ

**Билл Клинтон ядровий давлатларга мурожаат қилиб, навбатдаги ядро синовларини ўтказишдан тийилишга чақирди. Сенат ядро синовларини таъқиқлаш тўғрисидаги шартномани ратификация қилишдан бош тортаётган бўлса-да, АҚШ келгусида ядро синовларини ўтказмасликни мўлжаллаяпти, деб таъкидлади у. Клинтон Сенат қарори ядро қуролининг тарқалишига қарши курашиш ишига оғир зарба берди, деб ҳисобламоқда.**

### ЁШ БОЛАЛАР АСКАРЛИККА ОЛИНМАСИН

**Берлинда болалардан аскар сифатида фойдаланишга қарши қоидаларни кучайтиришга чақирувчи БМТ ва Европа Иттифоқи томонидан ўтказилаётган анжуман давом этаётир. Йиғилганлар БМТнинг болалар ҳақ-ҳуқуқи бўйича Конвенциясига 18 ёшга тўлмаган болаларнинг ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишини ман қилиш қоидасини қўшишга даъват этмоқда. Қатнашчиларнинг сўзича, бу масала Африка мамлакатлари учун долзарб. Таҳлилчиларнинг айтишича, ҳозир дунёда 300 мингта яқин болалар ҳарбий хизматни ўтамоқда.**

Нима? Қачон? Қаерда?

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Россия Федерал хавфсизлик хизмати 1998 йилда Грузия президенти Эдуард Шеварднадзега суиқасд қилишда иштирок этган халқаро террорчини қўлга олди.***

* * *

***Норвегия Сербияга инсонпарварлик ёрдами сифатида 4,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди.***

* * *

***Покистоннинг собиқ Бош вазири Навоз Шариф ҳарбий трибунал томонидан суд қилиниши мумкин.***

* * *

***Қирғиз соми тобора қадрсизланиб бораётгани туфайли мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб бормоқда. Бунинг устига, деб ёзади «Кабар» ахборот агентлиги мухбири, республикада айниқса ёқилғи тобора тақчил бўлиб бораяпти.***

* * *

***18 октябр куни Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида президент саройидан унча олис бўлмаган марказий универмагда кучли портлаш содир бўлди.***

* * *

***Истамбул шаҳри махсус хизмат ходимлари гиёҳвандлик савдосига қарши кураш бўйича йирик тадбирни амалга оширди.***

* * *

***Нигерда президент сайловининг биринчи босқичи якунланди. Президентликка даъвогарлик қилаётган етти номзоддан ҳеч бири мутлақ кўпчилик овоз ололмади.***

* * *

***Японияда минтақавий хавфсизлик муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бошланди.***

* * *

***«Очарчиликка қарши ҳаракат» халқаро инсонпарварлик ташкилоти маълумотига қараганда, ҳозир дунёда 800 миллион киши очарчиликдан азият чекмоқда. Бунинг оқибатида эса йилига 30 миллион киши нобуд бўлмоқда.***

**«Туркистон-пресс», ЎзА ва хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

## Эл саломатлиги йўлида



*Ғаллаорол туманидаги Муллабулоқ, Шерқонли ва Соврак қишлоқлари аҳолиси тиббий ёрдам олиш учун марказга қатнаш ташвишидан халос бўлдилар. Чунки, бу ерда янги врачлик пунктлари фаолият кўрсата бошлади.*

*Мазкур тиббиёт пунктлари замонавий услубда бунёд этилган бўлиб, уларда беморлар муолажаси учун барча тиббий асбоб-ускуналар мавжуд.*

*Сиз суратда кўриб турган Муллабулоқ қишлоғида барпо этилган тиббиёт масканини қурилиш ишларига 18 миллион сўм атрофида маблағ сарфланди. Айни пайтда бу ерда 9 нафар шифокор аҳолига намунали тиббий ёрдам кўрсатмоқда.*

**Баҳром ТЎРАЕВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**

## Божхона хизмати

### ҚИНҒИРЛИКНИНГ ОХИРИ ВОЙ

**Ҳалол меҳнат, олийжаноблик, яхшилик ва эзгулик ҳар бир инсонга бахту саодат келтиради. Бироқ шоли курмаксиз бўлмаганидек, замондошларимиз орасида баъзи тоифа шахслар ҳам борки, улар енгил йўл билан бойлик орттиришга, шахсий манфаатни эл манфаатидан устун қўйишга ҳаракат қиладилар. Қинғирликнинг эса охири ҳамиша вой.**

**Андижонлик божхона ходимлари йилнинг ўтган даврида 17 та контрабанда ҳолатини аниқладилар. Натижада 10 килограммдан ортиқ гиёҳванд модда — заҳри қотил ушлаб қолинди. Қирғизистон билан чегарадош ҳудудларда эса қурол-яроғ ва ўқ-дори олиб ўтишга уринган жиноятчи гуруҳ ҳам қўлга олинди. Энди айбдорлар одил қонунларимиз олдида жавоб беришлари аниқ.**

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚУТЛУҒ ҚАДАМ




Муқаддас опани илгари ҳеч кўрмаганман. Аммо самимият балқиб турган кўзларидан, дала шамолида қорайган юзларидан, содда ва қатъиятли сўзларидан, қадоқ қўлларидаги меҳнат изларидан уни дарров танидим. Танидиму кўз ўнгимдан жонажон қишлоғим, бирга ўсиб-унган дугоналарим, жони жонимга туташ, тилаги тилагимга монанд қадрдонларим бир-бир ўтдилар. Ва шундай хулосага келдим: инсон бу ёруғ оламга ўз қисмати, пешонасига битилган тақдир ёзуғи ва Яратганнинг мўъжизаси бўлиб кўз очади.

Муқаддасхон умрини, ризқини Она заминга боғлаган меҳнаткаш хонадонда камолга етди. Кечки ёшлар мактабида ўқиб, механизаторлик касбини эгаллади. «Зангори кема» штурвалига ўтириб илк бор қордек оппоқ пахтазорга кирганида қанчалик севинганлиги ёдида. Унинг бирдан-бир орзуси ҳамқишлоқларини, заҳматкаш дугоналарини, пахта тераётган ўқувчи қизларни бу оғир меҳнатдан халос қилиш эди. Холис ният, фидойилик унга қанот бахш этди. 15 йил бригадирлик қилди. Ҳатто масъул лавозимда ишлаганида ҳам техника ёрдамида тонна-тонна «оқ олтин» териб, элдошлари юкини енгил қилди. Бу орада қишлоқ хўжалик институтини сиртдан ўқиб тугатди.

Аёлнинг жони қирқта, дейдилар. Бунда муболаға йўқ. Зотан битта оддий аёлда қанча хислат мужассам бўлса, Муқаддас опа ҳам улардан бенасиб эмас. У оқила уй бекаси сифатида икки ўғлини оқ ювиб-тарашга ҳам, ширмой нонлар ёпиб, лаззатли таомлар билан меҳмон кутишга ҳам вақт топади. Ўн йил аввал ҳамқишлоқлари уни бир овоздан раисликка сайлашди. Муқаддас опа билан хўжаликка файзу футур, хайру барака кириб келди, десак ишонаверинг. У ишни ободончиликни йўлга қўйишдан бошлади. Халқни ҳашарга чорлаб, янги боғлар ва гулзорлар барпо этди, кам даромадли оилалар, ногирон ва қаровчисиз карияларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатишни ҳам унутмади. Поклик иймонда намоён бўлганидек хўжалик иқтисоди юксалиш йўлига тушиб кетди. Муқаддас опа, аввало, халққа таянди, одамлар қалбига қулоқ тутди. Халқига суянган раҳбар эса кам бўлмаслиги турган гап.

Ўртачирчиқ туманидаги «Ўртасарой» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси М. Холиқова бирор ишга



бош қўшса қандай бўлмасин, охирига етказишга ҳаракат қилади. Илгари табиий газ одамлар учун ширин бир орзу эди. Бугун-чи? 8,5 минг аҳоли истиқомат қиладиган хўжаликнинг барча хонадонларида «зангори олов» ёнмоқда. Газлаштириш харажатларини хўжалик кўтарди. Бундан ташқари, барча қишлоқларда сув қувурлари ўрнатилди ва хонадонларга ичимлик суви келтирилди. Мустақиллик йилларида хўжалик қиёфаси тубдан ўзгарди. Равон кўчалар, бир-биридан гўзал иморатлар, чойхонаю ошхоналар, икки қаватли савдо шоҳобчаси, тикувчилик цехлари, амбулатория, «Тез ёрдам» хизмати ташкил этилди. Буларнинг барида ишбилармон раисанинг беминнат ҳиссаси бор, албатта.

Бозор иқтисодиёти — бу эркин фаолият, мустақил фикр, билим ва тажрибага суяниш, ўзингга ишонишдир. Деҳқончиликда тадбиркорликни йўлга қўйиш ва уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ўз самарасини бермоқда. Мавжуд экин майдонлари пудратчиларга шартнома асосида бўлиб берилган. Уларнинг куч-ғайрати билан жорий йилда 38 центнердан сара дон йиғиштириб олинди ва белгиланган режа ошириб уддаланди. 550 гектар пахта майдонида эса 40 нафар оилавий пудратчилар мўл-кўл ҳосил етиштирдилар. Айни кунда йиғим-терим ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

— Ҳаётимни кенг далаларсиз, ҳамқишлоқларимсиз тасаввур этолмайман, — дейди М. Холиқова. — Инсон касбини севса унинг қийинчиликлари лаззатга айланади. Биласиз, қишлоқ жойларида иш эрта тонгдан бошланади: мол-ҳол, томорқа, супур-сидир дегандек... Агар шундай қилмасак, рўзғоримизга барака кирмайди-да. Улуғларимиз ҳам ҳаракатда баракат, дейишган. Аммо деҳқон дам олишни, ўйнаб-кулишни ҳам билади. Еру кўк яшнаб Наврўз келганда заминга барака уруғи ташлаймиз. Ўҳ-ҳў, ўша куни хўжалигимизда катта тўй бўлади. Дошқозонларда ош, сумалагу ҳалимлар пиширилади. Тўйга шаҳардан машҳур қўшиқчилар таклиф этилади. Илғорларга мукофотлар, бева-бечораларга совға-саломлар инъом этилади. Тантанадан бирор киши четда қолмайди.

Дарҳақиқат, пахтакор учун ниҳолнинг ердан бош кўтариши байрам, ғўзанинг гуллаши тўй, биринчи очилган пахтани кўрган куни тантана. Нишона чаноқларни кўзга суртиб тавоф этган пахтакор туйғусини сизга қай тил билан баён этай, жўяклардаги зилол сувга чўмилаётган ой шуъласини қандай тасвирлай? Муқаддас опа ўз касбидан бахт топаётган ана шундай замондош аёллардан бири. Бу бахт шукрона бўлиб унинг умрини, турмушини безайди, савоб ишларга бошлайди. Зотан, аёл борки, олам мунаввар!

**Амина ҚОДИРОВА.**

МЕБЕЛЬ

СИЗНИНГ ХОНАДОНИНГИЗ УЧУН

БУЮРТМАЛАР БЕВОСИТА ИТАЛИЯ ВА ПОЛЬШАДАН КАТАЛОГЛАР БЎЙИЧА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ.
УЙГА ЭЛТИБ БЕРИШ ВА ЙИҒИШ ТАЪМИНЛАНАДИ.

МАНЗИЛИМИЗ: ФУРҚАТ КЎЧАСИ, 5 КОРПУС.

Тел. (371) 144-27-15.




Vinlad Ҳаётингизни хотиржам қиламиз!

Кўп қаватли тураржой бинолари, хусусий уйлар йўлаклари, идоралар, банклар, муассасаларда ўрнатиш учун

«МЕҲМОН» кўпхонадонли домофони

Вазифаси:

- Хонадонларда яшовчилар билан келувчи ўртасида икки томонлама аудио ва видео алоқа (200 хонадонгача).
- Йўлакдаги қулфни очиш:
  электрон калит билан (1000 та калитгача).
  шахсий код билан
  хонадондан буйруқ бўйича
- Ўта мустаҳкам қоплама (тажовуздан ҳимоя).
- Чақирилаётган хонадон рақамига алоҳида тартиб берилиши.




ҚЎРИҚЛАШ, ЁНҒИНДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖИҲОЗЛАРИ, ТЕЛЕКУЗАТУВ, АТРОФНИ ҚЎРИҚЛАШ ТИЗИМЛАРИ ВА БОШҚА МАХСУС ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ

C&K SYSTEMS Global Security Technology · Philips Communication & Security Systems · Honeywell · SILENT WITNESS · FERMAX

Тошкент ш., Қушбеги к., 18, тел.: 50-46-13, 50-99-13, 50-86-80, факс 50-03-61.

LL@2225

Реклама ва эълонлар 136-09-25

«TORSUNA INTERNATIONAL TRADING AG» (Швейцария)
таклиф этади

AOKI TECHNICAL LABORATORY, INC. -
Япония фирмасининг PET-сиғимлар ва PET-ҳажмлар ишлаб чиқарувчи дунёдаги машҳур универсал машиналари;

30 турдан зиёд турли хил классдаги барча шакл ва ҳажмдаги **шиша, банка, стакан, контейнерлар** ишлаб чиқарувчи универсал машиналар мавжуд.

Бу ҳажмлар алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, табиий шарбатлар, ўсимлик мойи, озиқ-овқат, зираворлар, жем, музқаймоқ, конфет ва бошқа нарсалар учун мос келади.

Шунингдек, улар фармацевтика, кимё саноатида бўёқ моддалари, ювиш воситалари ва косметика, парфюмерия маҳсулотлари учун ишлатилади.

***АОКИ машиналари фойдаланишда оддий, қулай ва ишончлидир. АОКИ фирмаси ўрнатиш, созлаш, кафолатли хизмат ва сервис хизматини таъминлайди.***

*Torsuna International AG*
*Тамарахоним кўчаси 7, 700000, Тошкент, Ўзбекистон (Ваколатхона)*
*Тел. 998-71-137-06-66*
*Факс 998-71-133-06-66*

pressa@online.ru




Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси жамоаси Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ректори, профессор А. Ҳамроқуловга падари бузруквори

**Қодирхон ота ҲАМРОҚУЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзФА Ботаника институти ва Ботаника боғи жамоаси катта илмий ходим, биология фанлари номзоди Х. Ёқубовга қизи

**Умидахон НАБИХЎЖАЕВАнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

